

СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ АФҒОНИСТОНДА ҲАРБИЙ ҲАРАКАТЛАР ОЛИБ БОРИШ СТРАТЕГИЯСИ: ТУРЛИ ҚАРАШ ВА ЁНДАШУВЛАР ТАҲЛИЛИ

Рустам Рашидов

*Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академияси “Ҳарбий хавфсизлик”
кафедраси доценти, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Аннотация. Ушбу мақолада собиқ Совет Иттифоқининг 1979 йилдан бошлаб то 1989 йилгача Афғонистонда ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш стратегияси ва бу борадаги илмий доираларда мавжуд қараш ҳамда ёндашувлар атрофлича таҳлил қилинган. Мазкур илмий мақолада собиқ Совет Иттифоқининг Афғонистон ички ишларига, ушбу мамлакатдаги ҳарбий-сиёсий вазиятга аралашувининг салбий оқибатлари ёритилган бўлиб, Совет қўшинларининг қўшни афғон давлатига киритилиши натижасида Афғонистондаги шундоқ ҳам мураккаб ҳарбий-сиёсий вазиятни янада чигаллашиб кетганлиги бир қатор Ғарб олимлари, собиқ Совет Иттифоқи олимлари ва бевосита Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатларда иштирок этган ҳарбий мутахассисларининг фикр ва қарашлари асосида ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Совет Иттифоқининг Афғонистондаги стратегияси, Совет Иттифоқининг Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатлари, БМТ шафелигида афғон можаросини ҳал этиш бўйича музокаралар, 40-армия, тактик жанг.

Совет Иттифоқининг Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатлари ва умуман олганда стратегияси ўз даврида ҳам, бевосита ҳарбий ҳаракатлар олиб борилиши туганидан 30 йилдан ортиқроқ вақт ўтган бўлса-да ҳозирги даврда ҳам турли баҳс-мунозараларга, мутахассис ҳамда тадқиқотчиларнинг қизиқишларига сабаб бўлиб келаётган мавзулардан биридир, десак муболаға бўлмайди.

Совет Иттифоқининг Афғонистондаги стратегиясига берилган баҳо ва қарашларни таҳлил қилар эканмиз, уларда асосан икки турдаги ёндашув: Совет Иттифоқининг стратегиясини қўллаб-қувватловчи ҳамда уни танқид остига олувчи қарашлар мавжудлиги намоён бўлади ва бу борадаги мавжуд адабиётлар ва манбаларни қуйидаги уч йўналишга бўлиб ўрганиш мақсад мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Совет Иттифоқининг Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатлари ва стратегиясини қўллаб-қувватловчи қарашлар асосан собиқ Совет давлати расмийлари, ҳарбий хизматчилари ва сиёсатдонларига тегишли [1-24] бўлса, Совет Иттифоқининг Афғонистон билан ҳар қандай ҳаракати ва стратегиясини танқид остига олувчилар асосан Ғарб мамлакатлари мутахассис ва олимлари ҳамда ҳарбийлари [25-50], шунингдек Афғонистонлик мазкур мавзунини ёритувчи баъзи малакали ва ҳаваскор тадқиқотчилар [51-58] ишларини киритишимиз мумкин.

Совет қўшинлари Афғонистонга киритила бошлаган вақтданоқ Ғарб давлатлари Совет Иттифоқини доимий равишда кескин танқид остига олиб, уни агрессор, босқинчи сифатида айблаб, қўшинларни афғон заминидан тезда олиб чиқиб кетишни ҳамда афғон ички ишларига аралашишни бас қилишни талаб қила бошладилар. Бу борада БМТ доирасида доимий қизғин муҳокамлар бўлиб ўтганлиги ва БМТ ўзига хос равишда Совет Иттифоқига таъсир ўтказиш воситасига айланганлиги ҳам бунинг исботидир. Жумладан, Совет қўшинлари Афғонистонга киритила бошланган 1979 йил декабри сўнги кунларидан саноқли кунлар ўтиб, яъни 1980 йилнинг 3 январида Совет давлатининг босқинчилик ҳатти-ҳаракатлари БМТ Хавфсизлик Кенгашининг шошилини тарзда йиғилган мажлисларида ҳам муҳокама қилиниб, қораланган эди [59, 5].

БМТ ва бир қатор Ғарб давлатларининг саъй-ҳаракатлари билан эса 1982 йилда Женевада БМТ шафелигида афғон можаросини ҳал этиш бўйича афғон-покистон музокаралари бошланди. Мазкур музокараларда Совет Иттифоқи ва АҚШ расмий вакиллари ҳам иштирок этишди. Совет Иттифоқининг мақсади Покистон томонидан афғон мужоҳидларига кўрсатилаётган ҳар қандай кўмакни олдини олиш ва афғон-покистон чегарасини ишончли қўриқлашга эришиш бўлса, бунга тескари равишда АҚШ ҳукумати ўзининг тинчликсевар декларациялари билан музокараларни чўзишга ва мужоҳидларни қўллаб-қувватлашни давом эттиришни маъқул кўрди. Расмий Вашингтон Совет Иттифоқининг афғон можаросига янада кўпроқ киришиб кетишини, кўпроқ моддий ва маънавий зарар кўришини истар эди.

Қурол воситасида ва ҳарбий куч билан афғон можаросини бартараф этиб бўлмаслигини тушунган Совет Иттифоқи раҳбарияти Афғонистон ҳудудидан ўз қўшинларни олиб чиқиш тараддудига тушди.

Женевада афғон можаросининг ҳал этилишига оид музокаралар жараёни бир неча йилга чўзилган бўлса-да, ниҳоят томонлар келишувга келдилар.

1988 йил 14 апрелда Женевада Совет Иттифоқи, АҚШ, Афғонистон ва Покистон вакиллари томонидан афғон муаммосини сиёсий ҳал қилиш борасида битим имзоланди. Унинг асосида 1988 йил 15 майда Афғонистондаги СҚАЧКнинг ҳарбий қисм ва бўлинмаларини олиб чиқиб кетиш бошланди [60, 119-120].

1988 йилнинг 15 май куни Совет қўшинларининг мамлакатдан олиб чиқишининг илк куни эди. Бу кунни ҳатто, Нажибулло “Миллий озодлик куни” деб эълон қилди [23, 447]. Бу кун афғон халқи учун муҳим сана эди. Нажибулло ҳукумати даврида Совет кучларининг олиб чиқилиши кўпгина раҳбарлар томонидан маъқулланди.

1988 йилнинг 7 декабрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 43-сессиясида Совет Иттифоқи афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш масаласини кўтариб чиқди ва Совет давлати раҳбари М.Горбачёв афғон муаммосини ҳал этишнинг янги йўлларини таклиф этди. Афғон можаросининг ҳал этилиши қуйидагича амалга оширилиши лозим эди:

- 1989 йилнинг 1 январидан бошлаб Афғонистонда ҳарбий ҳаракатларни тўлиқ тўхтатиш ва ҳарбий операциялар амалга оширмаслик;
- Афғон муҳолифат кучларига қурол-яроғ етказиб беришни тўхтатиш;
- Коалицион ҳукумат ўрнатилаётган вақтда Афғонистонда тинчликни сақлаб туриш вазифасини БМТ ўз зиммасига олиши;
- Афғонистон муаммосини ҳал этиш ва мамлакат хавфсизлигини таъминлаш учун халқаро ёрдамлар бериш.

Нажибулло расмий Москванинг афғон можаросини ҳал этиш бўйича барча таклифларини қўллаб-қувватлади. Ўз навбатида у биринчи қадам қўйишга ҳаракат қилиб, бир қатор чора-тадбирларни амалга оширишга киришди.

1989 йил 1 январидан бошлаб Нажибулло ҳукумат қўшинларига мамлакатнинг барча ҳудудларида ҳарбий ҳаракатлар олиб бормасликка буйруқ берди ва муҳолифат билан музокаралар олиб боришга тайёрлигини эълон қилади. Муҳолифат кучлари эса Нажибуллонинг ушбу чақириғига қуролли ҳужумлар билан жавоб берди ҳамда шу куннинг ўзида пойтахт ва бошқа ҳудудларга ҳужум бошлади. Улар Кобулдан ташқари Ҳирот, Қандаҳор, Жалолобод, Гардез, Ғазни ва Хост каби шаҳарларда йирик ҳарбий ҳаракатлар бошлаб юборди.

1989 йилнинг январь-феврал ойларида мужоҳидлар Афғонистоннинг жануби-шарқий чегараларида жойлашган Нангархор, Пактиё, Қандаҳор каби ҳудудларда кенг оммавий ҳаракатларга раҳбарлик қилиб, Совет ҳарбийларининг ушбу ҳудудларни тарк этишини катта хурсандчилик билан кутиб олдилар. Афғонистон чегаравий ҳудудларида жойлашган вилоятларда қўшин тўплаган муҳолифат кучлари Кобулга томон ҳаракат қила бошладилар. Улар 430 та ҳарбий гуруҳлардан ташкил топган бўлиб, 12 мингдан зиёд жангчини ташкил этди.

1979-1989 йиллардаги Афғонистондаги уруш давомида 50 минг нафарга яқин афғон аскарлари ҳамда 1 миллион нафардан ортиқ тинч аҳоли қурбон бўлди. Бундан ташқари, уруш давомида ўша даврда мамлакат аҳолисининг қарийб учдан бир қисмини ташкил этган 5 млн. нафар аҳоли Покистон ҳудудига, 1,5 млн.дан ортиғи эса Эронга қочишга мажбур бўлди.

10 йиллик уруш мамлакат иқтисодиётига улкан зарар етказди. Юзлаб қишлоқлар, 2 минг мактаб вайрон этилди, ўнлаб электростанциялар бузиб ташланди, юзлаб саноат корхоналари фаолияти тўхтаб қолди.

Совет армияси Афғонистонни тарк этгач, мужоҳидлар анча эркин ҳаракат қилишга ўтишди. Улар 1989 йилнинг ўзида 250 марта СССР чегарачиларига қуролли ҳужум уюштиришди.

Совет қўшинларининг Афғонистондаги ҳаракатларини ўрганган мутахассис Е.И. Малашенконинг фикрича, Совет қўшинлари Афғонистонга киритилгандан сўнг 40-армия томонидан ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш жараёнида қўмондонлик ва бошқарув тизими ноаниқлигича қолган [61, 66-74]. Яъни, дастлабки босқичда 40-армия Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонлигига бўйсунган бўлса-да,

аслида унга СССР Мудофаа вазирлигининг Оператив гуруҳи, кейинчалик ҳатто Афғонистон Қуролли Кучларининг бош ҳарбий маслаҳатчиси ва сўнгра Жанубий йўналиш қўшинларининг бош қўмондони раҳбарлик қилган. Туркистон ҳарбий округи қўмондонлиги асосан Афғонистондаги Совет қўшинларининг ҳар томонлама таъминоти билан, хусусан уни шахсий таркибини бутлаш ва моддий-техник воситалар билан таъминлаш масалаларини ҳал қилиш билан шуғулланган, холос.

Совет Иттифоқи Мудофаа вазири Д.Ф. Устинов Афғонистонга бормаган. Фақатгина Мудофаа вазирлигининг Оператив гуруҳига С.Л. Соколов ва В.И. Варенников каби малакали ҳарбийлар томонидан раҳбарлик қилиниши кераксиз йўқотишларни олдини олиш ва пайдо бўлган кўплаб муаммоларни тезда ҳал қилиш имконини берган эди [61, 66-74].

1985-1987-йилларда 40-армия Оператив бўлими бошлиғи ўринбосари лавозимида фаолият юритган генерал-майор Е. Никитенконинг хотирлашича, армия генерали М.Гареевнинг кўрсатмасига биноан, Афғонистондаги Совет қўшинларининг турли даражадаги бошқаруви, қуролли кучлар турлари ва бўлинмаларининг ўзаро мувофиқлаштирилган ҳаракатлари – бир сўз билан айтганда Афғонистон уруши тажрибаси умумлаштирилиб 30 дан ортиқ тадқиқот ишлари тайёрланган [18], [62-66].

Генерал-майор Е. Никитенконинг тадқиқотлари билан танишар эканмиз, уларда Афғонистонга Совет қўшинлари киритилиши ва ундан кўзланган стратегик мақсадлардан тортиб, қуйи – тактик даражадаги муаммоларгача ёритиб берилганлигига гувоҳ бўламиз.

Тадқиқотчи Юрий Мухин эса ўзига хос танқидий ёндашув асосида Совет Иттифоқи раҳбариятининг Афғонистонга доир стратегиясини таҳлил қилади. “СССРнинг Афғон fronti” номли асаридан жой олган 3 та боблари – “СССРнинг афғон уруши – солдатлар ғалабаси ёки сиёсатчилар состқинлиги”, “Горбачёв қандай қилиб америкаликларга позицияларни бой берди” ва “Совет қўшинларининг Афғонистондаги чекланган контингенти – сиёсатчилар қўлидаги қурбонлик”да Совет Иттифоқи раҳбариятининг Афғонистондаги сиёсатга доир хатоликлари, Совет Иттифоқи раҳбари бўлган М.Горбачёвнинг енгиллик билан давлат манфаатларини ҳимоя қилмасдан осонлик билан ғарбликларга бой берганлиги ҳамда Афғонистонга киритилган Совет қўшинлари сиёсатчилар қўлида бир ўйинчоқ бўлганлигини танқидий руҳда ёритиб беради [16, 272].

Ўз даврида афғон урушида иштирок этган яна бир ҳарбий мутахассис, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, ҳозирда Россия десантчилар иттифоқи раиси генерал-полковник Валерий Востротин ҳам армия генерали М. Гареевнинг донишмандларча билдирган “Афғонистонга киришга кирдикми, демак ишни охирига етказмоқ лозим эди” деган сўзларига иқтибос келтирган ҳолда, Совет қўшинлари Афғонистонда бундай қилмаганини, шу сабабли 15 феврални Совет қўшинларининг Афғонистондан олиб чиқиш куни (бу чекиниш, мағлубият дегани) сифатида эмас, балки, биринчи навбатда, ҳарбий ҳаракатларнинг тугаши деб ҳисоблашини ва шундай бўлса

тушунарлироқ бўлишини таъкидлайди. В. Востротин ўз сўзида давом этиб, юқоридаги каби ёндашув Совет-афғон урушида иштирок этган ўзи каби фахрийлар учун жуда муҳимлигини, шунингдек ҳарбийлар мазкур урушда тактик даражада ғалаба қозониш вазифасини бажарганлигини, бироқ Совет Иттифоқи ва коммунистик партия раҳбариятида оператив-тактик ёки оператив-стратегик даражада ғалаба қозониш эмас, балки афғон ҳукуматига ёрдам бериш лозимлиги тўғрисида қараш устун бўлганлигига урғу беради [67].

40-армия таркибидаги йирик ҳарбий тузилмалардан бири 108-гвардиячи мотоўқчи дивизияси командири (1986-1988 йй.), ҳозирги пайтда Россия Федерацияси Бош штаби Ҳарбий академиясининг профессори, Россия Табиий фанлар академиясининг академиги, генерал-полковник Виктор Баринкиннинг қарашича, Совет қўшинлари Афғонистонда аниқ тартиб ва ўрнатилган қоидаларга амал қилган ҳолда фаолият олиб борган. Бундай тартиб ҳатто, Совет қўшинларини Афғонистон ҳудудидан олиб чиқиш жараёнида ҳам намоён бўлган ва бу муваффақиятли тарзда амалга оширилган. Чунки, Совет қўшинларини Афғонистон ҳудудидан олиб чиқишни ўзи ҳам бир йирик операция эди, унга олдиндан тайёргарлик кўрилди ва уни амалга ошириш самарали тарзда ташкил этилган эди [67],-дея фикрини яқунлайди В. Баринкин.

Шу ўринда, юқоридаги қарашларга қарама-қарши ҳолда чет эллик тадқиқотчи ва мутахассисларнинг тегишлича танқидий фикрлари мавжудлигини таъкидлаган ҳолда, улар орасидан британиялик тадқиқотчи сэр Р.Брейтвейтнинг маълумотларига эътибор қаратишни лозим топдик. Жумладан, Р.Брейтвейтнинг таҳлилларига кўра, 40-армиянинг шаклланиши Совет ҳарбий раҳбариятининг импровизация (хаёлот) ғалабаси эди. Шу билан бирга, 40-армиянинг фаолияти давомида кўплаб жиддий камчиликлар – шахсий таркиб учун яхши турар жойларнинг етарли даражада таъминланмаганлиги, захира кийим-кечак етишмаслиги, носоғлом таомлар, ибтидоий санитария шароитларининг йўқлиги ўзининг салбий таъсирини кўрсатган. Ушбу камчиликларни бартараф этиш учун Совет ҳукумати томонидан маблағ ажратилмаган. Шунингдек, 40-армиядаги тиббий ёрдам тизимининг деярли бутунлай қулаши қўшинларга душман ҳаракатларидан кўра кўпроқ зарар келтирган эди, дея хулоса қилади Р.Брейтвейт [32, 121].

Франциянинг Россия Федерациясидаги ҳарбий атташеси, бир муддат Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатларда иштирок этган бригада генерали Ги Нюттин эса Совет Иттифоқи ва НАТО етакчилигидаги Ғарб давлатларининг Афғонистонда олиб борган ҳарбий ҳаракатларини тўғрисида фикр билдириб, Совет қўшинларининг Афғонистонга киритилишидаги шарт-шароитлар НАТО қўшинларининг киритилишидан фарқ қилишини, бироқ Совет қўшинларининг оператив ва тактик даражадаги тажрибасига эътибор қаратиш ўринли бўлишини таъкидлайди. У шунингдек, НАТО қўшинларининг Афғонистондаги ҳаракатларида келишиш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш устунлигига урғу беради [67] ва ушбу жиҳатларни НАТО

қўшинларининг ижобий хусусияти сифатида талқин қилишга уринади. Бироқ, француз генералининг мазкур фикрига қўшила олмаймиз ва у таъкидлаб ўтган жиҳатлар ҳам НАТО қўшинларининг муваффақиятини таъминлай олмаганлиги бугунги кунда барчага маълумдир.

АҚШлик генерал-лейтенант (3 юлдузли), АҚШ қўшинларининг Афғонистондаги ҳаракатлари давомида катта ҳарбий маслаҳатчи сифатида фаолият юритган Майкл Фензел ўзининг “Мўъжиза йўқ. Афғон урушида Совет қарор қилиш тизимининг таназзули” номли асарида Советлар Афғонистонга бостириб кирарканлар, бу уруш улар учун тезда тугайдиган ва осон уруш бўлишига ишонганликларини, бироқ улар айтарли муваффақиятга эришмаганликларини ва манманлик ила ўз босқинларининг оқибатлари ҳақида ҳеч ўйлаб кўрмаганликларини, Афғонистонга қилинган интервенция Совет давлати устунларига зарба берган стратегик хато бўлаганлигини келтириб ўтади [37, 119].

АҚШлик ҳарбий масалаларни тадқиқ этган мутахассис, Афғонистонда бир неча марта бўлган ва афғон уруши бўйича бир қатор илмий ишлар муаллифи, захирадаги подполковник Лестер Гроунинг қарашича, бир қатор кенг кўламли стратегик операцияларга қарамай, Афғонистондаги Совет қўшинлари учун ҳақиқий уруш тактик-жанг даражасида олиб борилди. Афғон урушида Совет қўшинларининг аксарият жанговар вазифаларини ҳал қилган асосий тузилмалар полк ва батальон бўлган. Совет ҳарбий раҳбарияти йиллар давомида ўз шахсий таркибини классик ҳужум ва умумий мудофаа тактикасига таяниб тайёрлаб келган эди. Бироқ, Афғонистон шароитида ушбу тактикани қўллаб бўлмади ва Совет қўшинлари Афғонистонда антипартизан уруши олиб боришга мажбур бўлди. Аммо, антипартизан урушининг ўзига хос хусусиятларини билмаслик Совет қўшинларининг кўплаб қурбонлар беришига ва муваффақиятсиз ҳаракатларига сабаб бўлган эди, - дея фикр билдиради Л.Гроу [49, 306].

АҚШ Ҳарбий-денгиз қўшинлари тузилмаларидан бирида қўмондонлик қилган Марк Карен ўз тадқиқотида Совет қўшинларининг Афғонистондаги ҳаракатлари юзасидан қуйидагиларни билдириб ўтади:

- Совет қўшинлари Афғонистонда интенсивлиги паст бўлган уруш олиб борди;
- Афғонистонда ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш, хусусан афғон қуролли муҳолифати билан курашиш тажрибасидан келиб чиқиб, Совет ҳарбий доктринасига ўзгартириш киритилмади;
- Совет ҳарбий раҳбарияти афғон жанг театрларида катта миқдордаги кучларнинг қўққисдан берган зарбалари орқали ўз стратегик мақсадига эришиш зарурлигини яхши англаган бўлса-да, бунга амалда эриша олмади [34, 21-22].

Ўз даврида Покистон армияси бригада генерали сифатида ҳарбий хизматни ўтаган Муҳаммад Юсуфнинг асосий вазифаси совет армиясига қаршилиқ кўрсатувчи афғон мужоҳидлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларнинг жанговар ҳаракатларини бошқариш бўлган. У ўзининг “Афғонистон. Айиқнинг қопқонга

тушиши. Суперқудратга эга давлатнинг мағлубияти (Афғон урушининг илгари айтилмаган ҳикоялари)” номли асарида совет қўшинларига қарши мужоҳидларнинг энг самарали стратегияси сифатида босқинлар уюштириш, пистирма қўйиш ҳамда душманни боши берк жойга олиб кириш учун чалғитувчи ҳаракатлар қилиш (бошида ҳужумга ўтиб, кейин ёлғондан чекиниш) ва шу ерда унга зарба беришни тавсия этганлигини маълум қилади. Унинг қарашича, ушбу стратегия вақт ўтиши билан ўз самарасини бериши лозим эди [57, 244] ва шундай бўлди ҳам.

Юқорида билдирилган фикрларга хулоса қилиб қуйидагиларни таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Ғарблик тадқиқотчи ҳамда мутахассисларнинг совет армиясининг афғон заминдаги ҳаракатларига доир танқидий қарашларини ўрганиб, қуйидаги умумлаштирилган фикрни билдириш мумкин. Яъни, катта миқдорда Афғонистонга олиб кирилган Совет қўшинлари гарчи Афғонистонга бўладиган ҳар қандай ташқи агрессияни бартараф этиш имкониятига эга бўлса-да, шиддатли ҳарбий операциялар олиб бормади ва ҳарбий ҳаракатларнинг интенсивлиги паст даражада қолди.

Ўз даврида Совет Армиясида сафларида ҳарбий хизматни ўтаган ва Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатларда иштирок этиб, Совет қўшинларининг тегишли тузилма ва бўлинмаларига қўмондонлик қилган юқори унвон ва лавозимдаги ҳарбийларнинг қарашича, армия давлат раҳбарияти томонидан қўйилган барча вазифаларни бажарган, ҳарбий ҳаракатларда тегишлича устунлик таъминланган, шу сабабли Совет қўшинларини Афғонистондан олиб чиқиш бу – мағлубият дегани эмаслигини уқтириб келишади.

Совет қўшинларининг Афғонистонга киритилишига қарши ташқи босим кучайиб борди ва айнан ташқи босим остида Совет раҳбарияти музокаралар олиб боришга ҳамда ўз қўшинларини Афғонистондан олиб чиқиб кетишга мажбур бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Андогский А.И., Дроздов Ю.И., Курилов В.Н., Бахтурин С.Г. Афган, снова Афга ... – М.: Воениздат, 2002. – 367 с.;
2. Баленко С. Афганистан. Честь имею! – М.: ООО «ТД Алгоритм», 2015. – 464 с.;
3. Варенников В.И. Неповторимое. В 7 томах. Том 5. Часть VII. Афганистан. И доблесть и печаль. Чернобыль. – М.: Советский писатель, 2001. – 448 с.;
4. Ветераны. История и современность / Всероссийское общественное движение ветеранов локальных войн и военных конфликтов «Боевое братство»; [Байер А.Г. и др.]; под ред. Б.В. Громова. – М.: Прогресс, 2005. – 436 с.;
5. Война в Афганистане. / Коллектив авторов. – М.: Воениздат, 1991. – 367 с.: 10 л. ил.;
6. Волков К. (сост.) Афган. Баграм. Разведка. – М.: Вега Принт, 2014. – 303 с.;

7. Гареев М.А. Моя последняя война (Афганистан без советских войск). – М.: НПО «Инсан», 1996. – 180 с.;
8. Громов Б.В. Ограниченный контингент. – М.: Прогресс, 1994. – 352 с.;
9. Жемчугов А.А. Кому мы обязаны «Афганом»? – М.: Вече, 2012. – 368 с.;
10. Ляховский А.А. Трагедия и доблесть Афгана. – М.: ГПИ «Искона», 1995. – 380 с.;
11. Ляховский А.А., Забродин В.М. Тайны афганской войны. – М.: Планета, 1991. – 272 с.;
12. Майоров А.М. Правда об Афганской войне. Свидетельства Главного военного советника. – М.: Права человека, 1996. – 288 с.;
13. Марчук Н. И. «Необъявленная война» в Афганистане: официальная версия и уроки правды. – М.: Луч, 1993. – 207, [2] с.;
14. Меримский, В.А. Загадки афганской войны. – М.: Вече, 2006. – 384 с: ил.;
15. Митрохин В. КГБ в Афганистане. – Вашингтон: Центр В.Вильсона, 2002. – 154 с.;
16. Мухин Ю.И. Афганский фронт СССР. – М.: Алгоритм, 2009. – 272 с.;
17. Нешумов Ю.А. Границы Афганистана: трагедия и уроки. – М.: Кучково поле, 2006. – 352 с., 4 л. илл.;
18. Никитенко Е.Г. Афганистан: От войны 80-х до прогноза новых войн. – М.: ООО «Издательство Астрель», 2004. – 362 [6] с.: ил.;
19. Правда об Афганистане. Документы, факты, свидетельства. / Составители сборника: Ю.Волков, К.Геворкян, И.Михайленко, А.Полонский, В.Светозаров. – Москва: Издательство Агентства печати Новости, 1980. – 175 с.;
20. Снегирев В., Самунин В. Смертоносный вирус «А». Кто «заразил» СССР Афганской войной. – М.: Алгоритм, 2017. – 496 с.;
21. Теплинский Л.Б. История советско-афганских отношений, 1919-1987. – М.: Мысль, 1988. – 380 с.;
22. Тоболяк Г. Афганская война ГРУ. – М.: Яуза, Эксмо, 2010. – 320 с.;
23. Христофоров В.С. Афганистан: военно-политическое присутствие СССР 1979-1989 гг. – М.: ИРИ РАН, 2016. – 544 с.;
24. Чикишев, А. Спецназ в Афганистане. – М.: ОЛМА-ПРЕСС, 2004. – 124 с.
25. Брейтвейт Р. Афган: русские на войне. – М.: АСТ, Corpus, 2013. – 496 с.;
26. Adamec L.W. The A to Z of Afghan Wars, Revolutions, and Insurgencies. – Plymouth: Scarecrow Press, Inc., 2005. – 580 p.;
27. Afghanistan, 1979-2009: In the Grip of Conflict. / Viewpoints Special Edition. – Washington, DC: The Middle East Institute, 2009. – 351 p.;
28. Alexiev A. Inside the Soviet Army in Afghanistan. – Santa Monica: RAND Corporation, 1988. – 68 p.;
29. Baumann R.F. Russian-Soviet Unconventional Wars in the Caucasus, Central Asia, and Afghanistan. – Washington, D.C.: U.S. Army Center of Military History, 1993. – 217 p.;

30. Borovik A. *The Hidden War. A Russian Journalist's Account of the Soviet War in Afghanistan*. – New York: Grove Press, 1990. – 288 p.;
31. Bradsher H.S. *Afghan Communism and Soviet Intervention*. – Oxford: Oxford University Press, 1999. – 443 p.;
32. Braithwaite R. *Afgantsy. The Russians in Afghanistan 1979-89*. – Oxford: Oxford University Press, 2011. – 448 p.;
33. Campbell D. *Afghanistan 1979-89. Soviet Paratrooper versus Mujahideen Fighter*. – Oxford: Osprey Publishing Ltd, 2017. – 81 p.;
34. Caren M.S. *The Soviet-Afghan War: Another Look*. – Newport: Naval War College, 1994. – 24 p.;
35. Cordovez D. & Harrison S.S. *Out of Afghanistan. The Inside Story of the Soviet Withdrawal*. – Oxford: Oxford University Press, 1995. – 450 p.;
36. Feifer, G. *The Great Gamble. The Soviet War in Afghanistan*. – New York: Harper Collins, 2009. – 326 p.;
37. Fenzel M.R. *No Miracles. The Failure of Soviet Decision-Making in the Afghan War*. – Stanford: Stanford University Press, 2017. – 180 p.;
38. Freedman R.O. *Moscow and the Middle East. Soviet policy since the invasion of Afghanistan*. – Cambridge: Cambridge University Press, 1991. – 426 p.;
39. Fremont-Barnes G. *The Soviet–Afghan War 1979-89*. – Oxford: Osprey Publishing Ltd, 2012. – 98 p.;
40. Galeotti M. *Afghanistan. The Soviet Union's Last War*. – London: Frank Cass & Co. LTD, 2005. – 242 p.;
41. Galeotti M. *STORM-333. KGB and Spetsnaz seize Kabul, Soviet–Afghan War 1979*. – Oxford: Osprey Publishing Ltd, 2021. – 81 p.;
42. Galeotti M. *The Panjshir Valley 1980-86. The Lion Tames the Bear in Afghanistan*. – New York: Osprey Publishing, 2021. – 97 p.;
43. Girardet E. *Afghanistan. The Soviet War*. – London: Croom Helm, 1985. – 259 p.;
44. Hammond T.T. *Red Flag Over Afghanistan: The Communist Coup, the Soviet Invasion, and the Consequences*. – Boulder (Colorado): Westview Press, 1984. – 261 p.;
45. Hyman A. *Afghanistan under Soviet Domination, 1964-83*. – London: Macmillan Press, 1984. – 247 p.;
46. Kalinovsky A.M. *A Long Goodbye. The Soviet Withdrawal from Afghanistan*. – Cambridge: Harvard University Press, 2011. – 304 p.;
47. Matthews M.M. *“We Have Not Learned How to Wage War There”. The Soviet Approach in Afghanistan 1979-1989. / Occasional Paper 36*. – Fort Leavenworth (Kansas): Combat Studies Institute Press, US Army Combined Arms Center, 2011. – 77 p.;
48. Mendelson S.E. *Changing Course. Ideas, Politics, and the Soviet Withdrawal from Afghanistan*. – Princeton: Princeton University Press, 1998. – 140 p.;

49. The Soviet-Afghan War. How a Superpower Fought and Lost. / Translated and edited by Lester W. Grau and Michael A. Cress. – Lawrence: University Press of Kansas, 2002. – 364 p.;
50. Tucker-Jones A. Images of War. The Soviet-Afghan War. – Barnsley (South Yorkshire): Pen & Sword Military, 2012. – 284 p.
51. Anwar R. The Tragedy of Afghanistan. A First-hand Account. – London: Verso, 2004. – 306 p.;
52. Emadi, H. Dynamics of Political Development in Afghanistan. The British, Russian, and American Invasions. – New York: Palgrave Macmillan, 2010. – 288 p.;
53. Hilali A.Z. US-Pakistan Relationship. Soviet Invasion of Afghanistan. – London: Routledge, 2017. – 304 p.;
54. Kakar, M.H. Afghanistan: The Soviet Invasion and the Afghan Response, 1979-1982. – Berkeley: University of California Press, 1995. – 392 p.;
55. Misdaq, N. Afghanistan: Political Frailty and External Interference. – London and New York: Routledge, 2006. 351 p.;
56. Modern Afghanistan. The Impact of 40 Years of War. Edited by M. Nazif Shahrani. – Bloomington (Indiana): Indiana University Press, 2018. – 372 p.;
57. Yousaf M. & Adkin M. Afghanistan. The Bear Trap. The Defeat of a Superpower (Afghanistan's Untold Story). – Havertown (Pennsylvania): Casemate, 2008. – 244 p.;
58. Zaeef, A.S. My Life with the Taliban. / Edit. by Alex Strick van Linschoten and Felix Kuehn. – New York: Columbia University Press, 2010. - 331 p.
59. Corwin P. Doomed in Afghanistan. A UN Officer's Memoir of the Fall of Kabul and Najibullah's Failed Escape, 1992. – New Brunswick: Rutgers University Press, 2003. – P. 5.
60. Слинкин М.Ф. Афганистан: страницы истории. (80-90-е гг. XX в.) – Симферополь: ТГУ, 2003. – С. 119-120.
61. Малашенко Е.И. Стратегическое руководство Советскими Вооруженными Силами в годы войны уроки истории // Научный журнал «Военная мысль» №09, 2003. – С. 66-74.
62. Никитенко Е.Г. Моделирование международных отношений. Введение в прикладной анализ международных отношений. Учебник. – М., 2014.;
63. Никитенко Е.Г. Конфликты будущего: сценарно-аналитический прогноз // Ситуационные анализы. Учебное пособие. Выпуск 2. – М., 2013.;
64. Никитенко Е.Г. Оценка кризисных ситуаций // Оценка кризисных ситуаций и террористических угроз национальной безопасности. – М., 2012.;
65. Никитенко Е.Г. Афганская ловушка // Воздушно-космическая оборона. №5, 2008. (в соавторстве).;
66. Никитенко Е.Г. Афганская кампания: не востребованный опыт (3). Совершенствование организационно-штатной структуры 40-й армии и вопросы управления // Воздушно-космическая оборона. №5, 2008. <http://www.vko.ru/voyny-i-konflikty/afganskaya-kampaniya-nevostrebovannyu-opyt-3>